

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.І.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ НУРУЛЛА БАХРОМОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА НОСТАНДАРТ БАНДЛИК
ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Файзуллаев Нурулла Бахромович

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда
ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш 3

Файзуллаев Нурулла Бахромович

Эффективное использование возможностей нестандартной занятости в
развитии малого бизнеса и частного предпринимательства 31

Fayzullayev Nurulla Bakhromovich

Effective use of possibilities of non-standard employment in the development
of small business and private entrepreneurship 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ НУРУЛЛА БАХРОМОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА НОСТАНДАРТ БАНДЛИК
ИМКОНияТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФойДАЛАНИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.PhD/Iqt240 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Салаев Санъатбек Комилович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Вуломов Саидахроп Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Маҳкамова Мамлакат Абдуқодировна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: 0(371) 237-54-01.

Диссертация автореферати 2018 йил «__»_____куни тарқатилди.

(2018 йил «__»_____даги_____- рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир шароитда АҚШ, Россия, Франция, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Швеция, Австрия, Дания каби тараққий этган давлатларда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлиги, турмуш даражасини ошириш мақсадида «офисдан ташқаридаги бандлик» (*flexi-place*), ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланмаган ҳолда уйда бандлик ёки касаначилик (*homeworking*), асосий иш жойидан узоқда тўлиқ иш кунида масофавий ёки телебандлик (*teleworking/ telecommunité*) каби ностандарт бандлик шакллари кенг фойдаланилмоқда¹. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳисоботларига кўра, кичик бизнесда ностандарт бандларнинг улуши Норвегияда 5 фоиздан Польша, Испания, Португалия, Голландия, Кипрда 20 фоизгача етса, Осиё давлатлари - Филиппинда 24 фоиздан Вьетнамда 67 фоизгача етади. Шунингдек, 2000-2016 йилларда Ирландияда ностандарт бандларнинг сони 3 марта, Мальта ва Словакияда 2 марта ўсган².

Жаҳон иқтисодий ҳаётининг рўй бераётган глобаллашув жараёнлари шароитида йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланган маҳсулот ва хизматларнинг кичик бизнес субъектлари томонидан ўзаро кооперациялашув асосида ишлаб чиқариш, даврий иқтисодий тебранишлар шароитларида кичик корхоналарда малакали ишчи кучини сақлаб қолишни таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни тежаш эвазига кичик бизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож, меҳнат бозоридаги тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган қисмини иш билан таъминлашда кичик бизнес субъектларининг ташаббускорлигини рағбатлантириш каби ностандарт бандликнинг самарали шакллари оқилона фойдаланишни тақозо этувчи асосий тенденциялар илмий тадқиқот йўналишлари сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги турли йўналишлар қаторида ностандарт бандлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда соҳани янада ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Бу борада ҳуқуқий-

¹ Цыганкова И.В., Базжина В.А., Никишина О.Ю. Развитие нестандартных форм занятости в современной России // Российское предпринимательство. – 2014. – Том 15. – № 24. – С. 71-86.; Лютов Н.Л. Новейшее законодательство Европейского союза и проблемы легализации применения заемного труда в России // Труд за рубежом. - 2014. - No 3. – С. 85-101; <http://www.Aus-innovativ.de/media/Arbeitszeikonten.pdf>; <https://books.google.co.uz/books>; М.С.Ким, С.Р.Ким. Корейское общество и проблема нестандартной занятости после кризиса 1997 г.; Яковлева А.В. Пособия по безработице при нестандартной занятости (современный опыт Дании) Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент» № 4, 2014.

² <https://www.kommersant.ru/doc/3145432>

меъёрий асосларни такомиллаштириш мақсадида қатор қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди»³. «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам миллий иқтисодиётнинг таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, унинг ривожини рағбатлантириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг бандлигини таъминлаш⁴ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 22 январдаги ««Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли, 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сонли Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги «Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2996-сонли Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда ҳам ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада, МДХ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида ностандарт бандлик, хусусан, касаначилик фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, назарий-услубий ва амалий жиҳатларига бағишланган ишлар кенг ўрин олган. Жумладан, хорижлик ва МДХ олимларидан Ж.В.Салаф, А.Бусыгин, Н.Шеденова, Л.Ортабаева, Е.Кулагина, Т.Назарова, И.Золин, С.Азатян, Г.Костюнина, В.Гимпельсон, Р.Капелюшников ва бошқалар илмий ишларида ностандарт бандлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий

³ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017, 159-160-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// www.lex.uz

тадбиркорликнинг назарий муаммолари тадқиқ этилган⁵.

Шунингдек, мамлакатимизда ўтиш даври шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий ва услубий, минтақавий ва тармоқ муаммолари С.Ғуломов, Ф.Эгамбердиев, Ё.Абдуллаев, Б.Ходиев, Б.Беркинов, М.Қосимова, Т.Дўстжанов, У.Гафуров, Қ.Муфтайдинов, М.Махкамова, С.Салаев ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган⁶.

Ўзбекистонда бевосита меҳнат бозори, меҳнат муносабатлари, аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишда ностандарт бандлик, хусусан, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли муаммолари бўйича Қ.Абдурахмонов, Р.Убайдуллаева, М.Пардаев, А.Абдуғаниев, Л.Максакова, Ф.Мамарасулов, Д.Рахимова, Д.Ортиқова, Б.Умурзаков, З.Худайбердиев, Ш.Холмўминов, М.Умарова каби олимлар тадқиқот олиб боришган⁷.

⁵ Janet W.Salaff, Where Home is the Office: The New Form of Flexible Work. Toronto, 1998.; Бусыгин А.В. Предпринимательство. - М.: ФиС, 1997. - 537 с.; Ортабаева Л.М. Необходимость и перспективы развития надомного предпринимательства и самозанятости.: Автореф. дис...канд. экон. наук. - Ростов-на-Дону, 1998. - С.21.; Назарова Т.Ю. Семейное предпринимательство в Российской Федерации: направления развития.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Тамбов, 2008. - С.24.; Кулагина Е.В. Адаптация семей с детьми-инвалидами к современным экономическим условиям.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Москва, 2004. - С.18.; Шеденова Н.У. Женский труд в условиях рыночных отношений: социальные аспекты.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Алматы, 1998. - С.21.; Золин И.Е. Рынок труда и занятость населения в современной экономике. Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Нижний Новгород, 2001. - С.24.; Азатын С.А. Регулирование рынка труда и занятости в РФ. .: Автореф. дис ...канд. экон. наук. - Москва, 2007. - С.22.; Костюнина Г. Гибкие формы занятости: мировой опыт и практика Сингапура // Труд за рубежом. - 2004. - №2. - С.95-110.; Нестандартная занятость в российской экономике. Под редакцией В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капелюшников. - М., Изд. дом ГУ ВШЭ, 2006. - С.58.

⁶ Гулямов С.С., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - 154 с.; Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. - с.19-83.; Дўстжанов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. - Урганч: Хоразм, 1997. - 129 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш.: икт. фан. док. дисс. - Т.: ТДИУ, 2000. - 338 б.; Беркинов Б.Б. Кооперацияга асосланган касаначилик.: - Т.: ТДИУ, 2008 й.; Беркинов Б.Б., Айнақулов М.А. Основные направления производственной кооперации предприятий в агропромышленном комплексе // Иқтисодиёт ва таълим. 2003. №3. - С.60-63.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.: икт.фан.док...дисс. - Т.: ЎЗМУ. 2004. - 276 б.; Махкамова М.А. Рыночные методы оценки потери стоимости интеллектуальной собственности в Узбекистане // Менеджмент в России и за рубежом. - 2015. - № 6. - С. 111-118.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.: икт.фан.док...дисс. - Т. ЎЗБМА. 2017. - 274 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): икт.фан.док...дисс. -Т.: ТДИУ. 2008. - 298 б.

⁷ Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисоди. - Т.: ТДИУ, 2008.; Абдурахманов Қ.Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди. - Т.: ТДИУ, 1996.; Убайдуллаева Р.А. Трудовые ресурсы и эффективность их использования.: - Т.: Узбекистан. 1979.; Абдуғаниев А.А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. -Т.: Меҳнат, 1999.; Абдуғаниев А.А., Худайбердиев З.Р. Қишлоқнинг долзарб социал-иқтисодий муаммолари: ишсизлик, тадбиркорлик, ижтимоий муҳофаза. - Н.: Ибрат, 1995.; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. - Т.: Узбекистан. 1989.; Умурзаков Б., Рахимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет. - Т.: Ўзбекистон, 2005.; Рахимова Д.Н. Управление процессами развития и использования трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ. - Т.: ТГТУ, 2000. - 247 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида): икт. фан. док. дис. автореф. - Т.: ТДИУ. 1998. - 46 б.; Худайбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: икт. фан. ном. ...дис. автореф. - Тошкент. 1996. - 22 б.; Шодиева Г., Пардаев М.Қ. Касаначилик – оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда янгича йўналиш // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил, № 6, 36-41 бетлар.; Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорининг иқтисодий-статистик таҳлили масалалари.: икт. фан. ном. ...дис. автореф. – Тошкент, ТДИУ. 2010. - 24 б.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда аксарият тадқиқотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, тармоқ, минтақавий муаммоларига бағишланган бўлиб, уни айнан ностандарт бандлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар етарли эмас.

Шу сабабли, ҳозирги кунда республикамиз ва минтақаларда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омилларини аниқлаш ҳамда таснифлаш, ностандарт бандликнинг касаначилик шакли асосидаги кооперацион алоқаларини илмий таҳлил этиш, минтақаларда ностандарт бандликни, хусусан, унинг касаначилик шаклини ривожлантириш йўналишларини асослаш, ностандарт бандлик ривожланганлиги бўйича республика минтақалари ва ҳудудларни гуруҳлаш, минтақавий даражада ностандарт бандликнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига таъсири ҳамда афзалликларини асослаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти мавзуси Урганч давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

миллий иқтисодиётда ностандарт бандлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;

хорижий мамлакатлардаги ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда миллий иқтисодиётимизга мос хусусиятларни ишлаб чиқиш;

республикамизда ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, омиллари ва шарт-шароитларини чуқур илмий таҳлил қилиш;

миллий иқтисодиётда ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

Хоразм вилояти ҳудудларини ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ривожланганлиги бўйича табақалаштириш;

ностандарт бандликнинг касаначилик шакли асосидаги кичик бизнес кооперацион алоқаларининг моҳиятлилигини моделлаштириш орқали асослаш;

Хоразм вилояти туман ва шаҳарлари кесимида ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантиришнинг имконият ва заҳираларини

баҳолаш, устувор йўналишлари ва истиқболларини ишлаб чиқиш;

минтақада ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантириш, аҳолининг меҳнатда бандлиги, турмуш фаровонлигини оширишга имкон берувчи илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Хоразм вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, меҳнат бозори ва унинг ностандарт бандлик, хусусан, касаначилик сегменти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва меҳнат бозорининг ностандарт бандлик соҳасидаги муносабатлари ҳамда жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий тизимларни ўрганишга нисбатан диалектик ёндашув, корреляцион-регрессион таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, гуруҳлаш, иқтисодий, статистик моделлаштириш ва башоратлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларининг молиявий ва солиқ ҳисоботларида ностандарт бандликка оид маълумотларни мажбурий реквизит сифатида тўлиқ акс эттириш, ностандарт бандлар сонини аниқлаш юзасидан услубий ёндашув асосланган;

тадбиркорлик субъектларида ностандарт бандлик шаклларида фойдаланиш самарадорлигининг турли жиҳатларини тавсифловчи хусусий коэффициентларни ягона интеграл кўрсаткич орқали баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган;

Хоразм вилоятида ностандарт бандликнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига таъсирини баҳолаш усули ҳудудлар иқтисодий даражаси бўйича табақалашган гуруҳларга тизимлаштириш асосида такомиллаштирилган;

Хоразм вилоятидаги кичик бизнес корхоналарининг касаначиликни ташкил этиш асосидаги фаолиятининг 2021 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг миллий иқтисодиёт ва бевосита Хоразм вилоятига мос бўлган устувор йўналишлари таклиф этилган;

Хоразм вилоятида социологик анкета сўровлари асосида ностандарт бандликнинг шакли бўлган касаначилик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати баҳоланган;

вилоят ҳудудларини ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланганлик даражасини баҳолашнинг табақалаштириш усули ишлаб чиқилган;

минтақада ностандарт бандлик шаклларида фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ва уларни ҳисоблаш усуллари таклиф этилган;

ностандарт бандлик асосидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

кооперацион алоқалари моделлаштирилган ва устувор йўналишлари прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг ностандарт бандлик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланишга оид назарий ва илмий-услубий аппаратни такомиллаштириш, мавзуга оид иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса кичик бизнесни ривожлантиришда ностандарт бандликнинг самарали шакллари ва имкониятларидан фойдаланиш орқали аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқишда, ностандарт бандлик асосидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти статистикасини такомиллаштиришда, турли даражаларда соҳа ривожланишини мониторинг қилишда, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хорижий мамлакатлардаги ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда миллий иқтисодиётда соҳани устувор ривожлантириш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан услубий низомларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 01/1-12-17/2-139-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида республика ҳудудларида ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида ностандарт бандлик шаклларининг ривожланиш ҳолатига баҳо бериш ва шу туфайли банд аҳоли сонини янада юқори аниқликда ҳисоблаш имконияти яратилган;

ностандарт бандлик шаклларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар (касаначилар меҳнатининг сифат коэффиценти, касаначилар меҳнатининг механизациялашганлик коэффиценти, касаначилар иш ҳақининг меҳнат унумдорлигини рағбатлантиришдаги иштирокини ифодаловчи коэффицент, касаначилик иш ҳақи билан энг кам иш ҳақи ўртасидаги мутаносиблик (ёки номутаносиблик)ни ифодаловчи коэффицент, касаначилар меҳнатининг рентабеллик коэффиценти, касаначилик иш ўрни яратишдаги маржинал харажатлар коэффиценти, касаначиларнинг кўнимсизлик коэффиценти, касаначилик меҳнатига жалб қилишнинг мавсумийлик коэффиценти) тизимини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан услубий низомларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 01/1-12-17/2-139-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида республикамиз иқтисодиёт тармоқлари кесимида ностандарт бандлик шакли сифатида касаначилик меҳнатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи интеграл кўрсаткич асосида уларнинг ностандарт иш ўринларини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича имкониятлари баҳоланган;

иқтисодиётда ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолатини баҳолаш ҳамда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланганлик даражаси бўйича табақалашган гуруҳларга тизимлаштириш борасидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 4 майдаги 13-сон Қарори билан тасдиқланган «Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича услубий Низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 11 майдаги 01/1-12-17/2-139-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишида уларнинг соҳа ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, ҳудудларро номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чоратадбирларни белгилаш имконини берган;

ностандарт бандликка асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кооперацион алоқаларининг мақсадга мувофиқлигини моделлаштириш борасидаги илмий таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан прогноз жараёнларининг услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси 2018 йил 11 майдаги 01/1-12-17/2-139-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан амалиётда фойдаланиш келгусида яратиладиган ностандарт иш ўринлари сони ва уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига таъсири, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми, касаначилик иш ўринларини

яратганлик учун корхона ҳисобида тежаладиган маблағлар миқдори хусусида прогнозлар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 8 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Кичик бизнеснинг ривожланишига ностандарт бандлик таъсирининг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, унда миллий иқтисодиётда ностандарт бандлик асосида КБХТни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва аҳамияти, чет мамлакатларда ностандарт бандлик асосида КБХТни ташкил этиш тажрибалари ва уни Ўзбекистонда қўллаш шароитлари, республикамизда ностандарт бандлик асосида КБХТни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобатчилик шароитида ностандарт бандлик, айниқса, касаначилик меҳнатининг бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобиляти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишда муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотда кичик бизнесни ривожлантиришда ностандарт бандликнинг касаначилик шакли рақобат муҳитини яратишга, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, йирик корхоналарга

хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашишга, нисбатан кам харажатлар эвазига янги иш ўринлари яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари даромадлари ўртасидаги тафовутни қисқартиришга, паст рентабелли ва кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотларнинг айрим турлари ёки деталларини уй шароитида ишлаб чиқариб, йирик корхоналарнинг иш самарадорлигини оширишга, ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари – оилада уй-рўзғор юмушлари ва фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар, ногиронлар ва бошқаларни иш билан бандлигини энг самарали таъминлашга таъсири каби назарий концептуал ёндашувлар тадқиқ этилиб, «касаначилиқ асосидаги бандлик» концепциясининг моҳияти очиқ берилди.

Диссертацияда ностандарт бандликнинг касаначилиқ шакли мамлакатимизда шиддат билан кечаётган бозор иқтисодиёти жараёнларида тобора кенг намоён бўлаётган молиявий-иқтисодий имкониятларимиз истиқболи эканлиги, иқтисодиётнинг норасмий сектори ва ундаги бандлик шакллари, турларининг таснифи, ривожланаётган мамлакатларда норасмий секторда фаолият юритиш, асосан, тирикчилик (яшаш учун кураш) билангина эмас, балки бюрократик ҳолатлар ва солиқ тўлашдан қочиш билан боғлиқ эканлиги, норасмий секторнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжудлиги таъкидланиб, ижобий жиҳатларини кўпайтириш, салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича тавсия ҳамда таклифлар берилди.

Шунингдек, диссертацияда кичик бизнесни ривожлантиришда ностандарт бандлик, хусусан, касаначилиқ фаолияти, иккиламчи бандлик, уй меҳнати, бандликнинг эгилувчан шакллари бўйича хорижий ва миллий олимларнинг турли иқтисодий адабиётлардаги илмий тадқиқотлари, жумладан, словениялик олимлар У.Пансур, Б.Кристофлар, россиялик иқтисодчи олимлар И.Е.Золин, Л.М.Ортабаева, қозоғистонлик Н.У.Шеденева, маҳаллий олимлардан Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Б.Беркинов⁸ларнинг асарларидаги қарашларини чуқур ўрганиш асосида касаначилиқ меҳнатининг такомиллашган муаллифлик таърифи берилган. Унга кўра, касаначилиқ – эгилувчан иш графиги асосида иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномасига мувофиқ маҳсулот (товар) ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган меҳнат функцияларини ўзига мақбул бўлган жойлар (*яшаш жойи, ўзига ёхуд оила аъзоларига тегишли бошқа жой ва ҳ.к.*)да бажаришга асосланган меҳнатни ташкил этишнинг ностандарт шакли.

Муаллиф ишда ностандарт бандликнинг «анъанавий» ва «янги» шаклларининг бир нечта белгиларига кўра бир-биридан фарқланишини

⁸ Urska Pansur, Bernarda Kristof. Flexible forms of Employment. EMUNI Research Souk, Unity and DIVERSITY OF Euro-Mediterranean Identities, Slovenia, 2009.; Золин И.Е. Рынок труда и занятость населения в современной экономике. .: Автореф. дис ...канд. экон. наук. – Нижний Новгород.: 2001. – С.24.; Ортабаева Л.М. Необходимость и перспективы развития надомного предпринимательства и самозанятости.: Автореф. дис...канд. экон. наук. – Ростов-на-Дону.: 1998. – С.21.; Шеденева Н.У. Женский труд в условиях рыночных отношений: социальные аспекты.:Автореф. дис ...канд. экон. наук. – Алматы.: 1998. – С.21.; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Меҳнат, 2007.; Беркинов Б.Б. Кооперацияга асосланган касаначилиқ. Т.:ТДИУ, 2008.

келтириб ўтган ҳолда (1-жадвал), унинг «янги» шаклларидаги харажатларни оптималлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш каби жиҳатларини бозор конъюктурасига ўта таъсирчан бўлган айнан кичик бизнеснинг иқтисодий характерида жуда ҳам мос келишини таъкидлаб ўтади.

Тадқиқотда ностандарт бандликнинг уй меҳнатига асосланган касаначилик фаолияти, айниқса, талабалар, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, шунингдек, ўз оиласига кўпроқ вақт ажратишни, кундалик йўл харажатлари ва вақтини тежашни хоҳловчи кишилар учун жуда қулай бандлик шакли эканлиги, КБХТни ривожлантиришдаги афзаллик ва имкониятлари асосланади.

1-жадвал

Ностандарт бандликнинг «анъанавий» ва «янги» шаклларидаги бир-биридан ўзаро фарқланиши⁹

Фарқловчи белгилари	Ностандарт бандликнинг «анъанавий» шакллари	Ностандарт бандликнинг «янги» шакллари
<i>Билим ва кўникмаларга қўйилган талаб даражасига кўра</i>	Унчалик юқори бўлмаган билим ва кўникмаларни талаб қилади	Юқори билим ва кўникмаларни талаб қилади
<i>АКТлардан фойдаланиш даражасига кўра</i>	Деярли фойдаланилмайди	Юқори даражада фойдаланилади
<i>Иш ўринларини яратиш билан боғлиқ харажатлар миқдорига кўра</i>	Нисбатан кўп	Нисбатан кам
<i>Иш ҳақи миқдорининг даражасига кўра</i>	Ўртача	Нисбатан юқори
<i>Ходим томонидан иш вақти режимининг танланишига кўра</i>	Эгилувчан	Рационал
<i>Иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларининг тартибга солинишига кўра</i>	Меҳнат шартномалари орқали	Фуқаролик-ҳуқуқий ёки оғзаки шартномалар орқали
<i>Фаолиятни амалга оширишдан кўзланган мақсадларга кўра</i>	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва меҳнат бозоридаги тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган қисмининг бандлигини таъминлаш	Исталган шахс ёки шахслар гуруҳининг қўшимча даромад манбаига эга бўлишига имкон яратиш
<i>Келтириб чиқарувчи сабабларга кўра</i>	Ялпи талаб ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетиши	Рақобат муҳитида «ғалаба» қозониш учун инновацион ривожланиш йўлига ўтиш

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, ностандарт бандликнинг касаначилик шакли иш берувчилар учун - ишлаб чиқариш бинолари ёки офисларни ижарага олиш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг камайиши, касаначилар меҳнат самарадорлиги ва унумдор-

⁹ Муаллиф ишланмаси.

ликни ошириш, иккитомонлама ўзаро манфаатли шартлар асосида муносиб мутахассисларни ёллаш орқали имкониятларнинг кенгайиши, мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги эгилувчанлик, корхонада ишнинг қатъий режаланишига мувофиқ, шахсий ҳолат (аҳвол)идан келиб чиқиб, келгусида ўзининг вазифаларини бажара олмайдиган керакли мутахассисларни штатлар жадвалидаги ходимлар таркибида сақлаб қолиш имконияти, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар ва ногиронлар, пенсионерлар, талабалар меҳнатидан кенг фойдаланиш имконияти, янги касаначилик иш ўринлари (айниқса, ногиронларга мўлжалланган)ни яратганлик учун солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш каби афзалликларга эга.

Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда минтақада касаначилик фаолияти ва у билан бевосита боғлиқ ҳолда КБХТ ривожига, самарадорлигига таъсир этувчи ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ижтимоий-психологик жиҳатдан аксарият саноат ишлаб чиқарувчилари томонидан касаначилик меҳнати моҳиятининг кооперациялашган хўжалик фаолиятининг илгариги амалиёти таъсири остида бузилган кўринишда қабул қилинаётганлиги ва консерватизм тамойилига амал қилинаётганлиги, баъзи иш берувчилар томонидан касаначиликнинг афзаллик ва имкониятларини тўла тушуниб етилмаганлиги, аҳолининг муайян қисмида «Касаначилик - ижтимоий ночор қатламга тегишли бандликнинг шакли» деган нотўғри тасаввурнинг мавжудлиги бўлса, иқтисодий-географик жиҳатдан эса ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги, инвестиция фаолиятининг сустлиги, касаначилик иш ҳақи миқдорининг нисбатан пастлиги ва унинг асосан буюртмалар сонига боғланиб қолганлиги, касаначилик иш ўринларини яратиш учун корхоналарда айланма маблағларнинг етишмаслиги ва йирик саноат корхоналарида қизиқишнинг сустлиги, ишлаб чиқариш кучларининг нотўғри жойлашуви, хом ашё етказиб бериш ва тайёр маҳсулотни сотишдаги қийинчиликлар, жўғрофий характердаги муаммоларни ҳал этувчи «янги» касаначилик иш ўринларининг «қимматга тушиши» саналади. Шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий ва техник йўналишда меъерий-ҳуқуқий асосларнинг етарлича такомиллашмаганлиги, манзилли дастурларни ишлаб чиқишда корхона ва ташкилотлар имконият ҳамда захираларининг тўғри баҳоланмаётганлиги, меҳнат бозорига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг нисбатан камлиги ва уларда ташаббускорликнинг етишмаслиги, касаначилик меҳнатини ташкил этишда корхона ва ташкилотлардаги мавжуд ортиқча ёки фойдаланилмаётган асосий восита ва хўжалик инвентарларидан тўла қувватда фойдаланилмаётганлиги, корхона ва ташкилотлар томонидан олдинги йилларда яратилган касаначилик иш ўринларининг сақланиб қолинмаётганлиги каби муаммолар мавжуд.

Тадқиқотларимизга кўра, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш ва ресурс тежамкор технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида моддий харажатларни оптималлаштиришнинг юқори «нуқта»ларига эришган дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида

сўнги ўн йилликларда кузатилаётган асосий тенденциялардан бири – ностандарт бандликнинг самарали шаклларида оқилона фойдаланиш натижасида маҳсулот таннархи таркибида сезиларли улушга эга бўлган ёлланма ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзидаги харажатларни, шунингдек, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларни имкон қадар пасайтиришга эришиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот (иш, хизмат) рақобатбардошлигини оширишдан иборат бўлмоқда.

Фикримизча, мазкур тажрибалардан келиб чиққан ҳолда йирик миқдордаги капиталга эга бўлмаган ва юқори таваккалчиликка мойиллиги паст бўлган КБХТ субъектлари фаолиятида ностандарт бандликнинг самарали шакллари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш КБХТ субъектларининг нафақат иқтисодий самарадорлигини оширишга, балки молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, КБХТни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан фойдаланишнинг объектив зарурлигини қуйидаги тенденция ва ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- жаҳон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши ортиши ҳисобига стандарт бандликка асосий талаб билдирувчи саноат ишлаб чиқариш улушининг камайиши;

- аҳолининг меҳнат бозоридаги рақобатга дош бера олмайдиган ва ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган қатламини кучли ижтимоий ҳимоялаш; бу ҳолат дунё аҳолисининг 63, ЕИ аҳолисининг 85 фоизини иш билан таъминлаб турган кичик ва ўрта бизнес¹⁰нинг имкониятларидан ижтимоий ҳимояга йўналтирилган таъсирчан механизм сифатида фойдаланишни тақозо этади;

- кичик бизнесда ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали кучли рақобат муҳити шароитида ҳам бозорда эгаллаб турган мавқеини сақлаб қолиш;

- КБХТга ностандарт бандлик орқали ишчиларни ёллаган ҳолда иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва ижтимоий пакет учун қилинадиган харажатларни тежаш эвазига маҳсулот (иш, хизмат) рақобатбардош-лигини ошириш;

- юқори малакали, касбий маҳоратга эга бўлган ишчи-ходимларни ишлаб чиқариш суръатлари пасайган вазиятда ҳам иш жойида сақлаб қолиш;

- ишлаб чиқариш биноларини қўл меҳнати асосида бажариладиган, паст рентабелли ва кўп меҳнат сиғимини талаб қиладиган ишлаб чиқаришлардан озод қилиш ва ҳ.к.

Ушбу тенденциянинг амал қилиши ўз-ўзидан ностандарт бандликка талаб билдирувчи соҳа ва тармоқларда КБХТни ривожлантириш - давр талаби эканлигини тақозо этади.

Тадқиқотда аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини ошириш,

¹⁰ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқт. фан. д-ри дис. автореф - Т.: 2017. 5-бет.

аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари бўлган талабалар, хотин-қизлар, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, кам таъминланган оилаларнинг меҳнатда бандлигини ошириш орқали уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, натижада даромадларини юксалтириш муаммолари барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг диққат марказида турган энг муҳим муаммолардан бири эканлиги, шу сабабли, бугунги кунда аҳоли бандлигининг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган ноанъанавий шаклларида фойдаланиш орқали ишсизлик муаммосини имкон қадар бартараф этиш барча давлатлар учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги асосланади. Шунингдек, бугунги кунда дунё мамлакатларида касаначилик асосида КБХТни ташкил этиш, ривожлантиришнинг бир қатор илғор тажрибалари, жумладан, ноанъанавий бандлик ва бевосита касаначилик фаолияти орқали кичик бизнесни ривожлантиришда юксак натижаларга эришаётган давлатлар сифатида Сингапур, Германия, Япония каби ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари чуқур қиёсий таҳлил қилиниб, миллий иқтисодиётда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлар таклиф этилган.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, кичик бизнес субъектларига нисбатан ностандарт эгилувчан иш графиги Ўзбекистонда кўпроқ бюджет ташкилотларида норасмий ҳолда қўлланилаётганлиги таъкидланиб, жумладан, бюджет ташкилотларида фаррошлик, лифт тузатувчи ёки электриклар, телефончи усталар, дурадгорлик каби лавозимларнинг штатлар жадвалига мувофиқ иш юкмаси бироз камлиги сабабли, шу лавозимдаги ходимларга фақат талаб қилинганда, зарурат туғилганда ёки муайян вақтларда ишхонага келиб ўз вазифасини бажариб кетишларига «рухсат» берилганлиги қайд этилади.

Фикримизча, республикада ҳам Меҳнат кодексига кўра иш вақтини ташкил этишнинг сменада ишлаш, иш вақти йиғиндисини ҳисоблаш, иш кунини қисмларга ажратиш, homeworking, teleworking/telecommute (уйида бухгалтерлик ишларини бажараётганлар, ўта ноёб касб эгалари, тор доирадаги мутахассислар учун) каби рухсат берилган шаклларида ташқари корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бизнинг шароитларимизга мос келувчи юқоридаги ноанъанавий бандлик шакллари легал, яъни расмий равишда жорий қилиш мамлакатимизда бюджетга тушумлар, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги янада ошишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон минтақаларида ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили**» номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ностандарт бандлик асосида кичик бизнес ривожланишининг ҳозирги ҳолати, ўзига хос хусусият ва имкониятлари, минтақаларда ностандарт бандлик асосида КБХТнинг ривожланиши, хусусан, Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида ностандарт бандлик асосида КБХТ ривожланишининг қиёсий ва омилий таҳлили масалалари ўрганилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакатимиз учун энг муҳим масалалардан бири сифатида миллий

иктисодиёт таркибида кичик бизнес улушини кўпайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, КБХТни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соҳа фаолиятига турли назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш таъкидланган.

Тадқиқотларимизга кўра, ривожланган чет давлатларда КБХТнинг ЯИМдаги улуши Францияда 62, Италияда 60, Японияда 55, Германияда 54, Буюк Британияда 53, АҚШда 52 фоизни ташкил қилаётган бир пайтда, юқоридаги вазифаларнинг оғишмасдан амалга оширилиши натижасида республикамизда 2016 йилда ЯИМда КБХТнинг улуши 56,9 фоизни ташкил қилди.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектларида стандарт иш ўринларига нисбатан ностандарт иш ўринларини яратишга мойиллик кучли бўлиб, уни қуйидаги сабаблар орқали изоҳлаймиз:

1) *кичик бизнеснинг капитал сизими паст бўлган ностандарт иш ўринларини тезлик билан ташкил этишга мойиллиги.* Ностандарт (эгилувчан) иш режимидаги бир иш ўрнига тўғри келувчи капитал сарфининг стандарт иш режимидагига нисбатан сезиларли даражада паст. Экспертларнинг фикрича, бунинг натижасида иш ўрни қиймати ўртасидаги фарқ қарийб ўн баравардан ошиб кетади: «Кичик бизнесда ўртача битта иш ўрнини ташкил этиш учун қарийб 10 минг АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланса»¹¹, ностандарт (эгилувчан) иш режимида ўртача битта иш ўрнини яратиш тахминан минг долларга тушади;

2) *ностандарт иш ўринлари яратган КБХТ субъектларида жонли меҳнат сизимининг, стандарт иш ўринлари яратган кичик корхоналарда эса капитал сизимининг нисбатан юқорилиги.* Яъни, ностандарт иш ўринлари яратган КБХТда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлигига стандарт иш ўринлари яратган кичик корхоналарга қараганда кўпроқ жонли меҳнат (ишчи кучи) бирлиги тўғри келади;

$$K=A/X \quad (1)$$

Бу ерда: K – ўртача бир ходимга тўғри келадиган асосий воситалар қиймати; A – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати; X – ходимларнинг ўртача йиллик сони.

$$K_s > K_{ns} \quad (2)$$

Бу ерда: K_s – стандарт иш режимида ўртача бир ходимга тўғри келадиган асосий воситалар қиймати; K_{ns} – ностандарт иш режимида ўртача бир ходимга тўғри келадиган асосий воситалар қиймати.

3) *ностандарт иш ўринларини ташкил этиш жараёнининг соддалиги, энгиллиги ва унда расмиятчиликларнинг камлиги;*

4) *ностандарт иш ўринлари муайян қисмининг стандарт иш ўринларининг «ҳосиласи» сифатида юзага келиши.* Яъни, корхоналарда

¹¹ Мамедова Л. Малый бизнес: кто кого спасает? - Малое предприятие, 1999, № 9. с.11.

стандарт иш ўринларининг ташкил этилиши, ўз навбатида, унга қўшимча, ёрдамчи хизмат кўрсатишга ёки бутловчи қисмлар, муайян деталлар ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришга мўлжалланган ностандарт иш ўринларининг ҳам кўпайишига олиб келади;

5) *кичик бизнес субъектларида ишчи кучини ёллашда миқдор самарасидан фойдаланиш имконияти.* Бундай имкониятдан фойдаланувчиларга мисол тариқасида, қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиси бўлмиш фермер хўжаликларини келтириб ўтишимиз мумкин. Қурилиш-монтаж ташкилотлари лойиҳа-смета хужжатларида келтирилган, шартномада белгиланган муддатлардан кечикмасдан ишни тугаллаб топшириш учун лойиҳа-смета хужжатларида келтирилган меъёр даражасидан чиқиб, қўшимча равишда ишчи кучини ёллаб, ишчи кучини ёллашнинг миқдор самарасидан фойдаланишлари мумкин. Худди шунингдек, фермер хўжаликлари об-ҳаво, иқлим ўзгаришларидан келиб чиқиб, меъёрдан ортиқча ишчи кучини ностандарт иш режимида ёллаш орқали ишчи кучини миқдор самарасидан фойдаланишлари мумкин. Буни қуйидаги формулалар орқали ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} & NTWP * W > NSWP * W \\ Q_e &= (NTWP - NSWP) * W > 0 \end{aligned} \quad (3)$$

Бу ерда: КБХТ субъектларида ишчи кучини қўшимча ёллашнинг миқдор самараси - (Q_e), яратилган жами иш ўринлари сони (ностандарт иш режимидагиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) - ($NTWP$), стандарт иш режимидаги иш ўринлари сони - ($NSWP$), битта ходимга меъёр доирасида тўғри келадиган иш ҳажми (киши x кун ўлчов бирлигида ёки суммада кунига, ойига) - (W).

Диссертацияда расмий статистика орқали аниқлаш имкони бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ностандарт бандлик шаклларининг тарқоқлик даражасига ойдинлик киритиш мақсадида 2016 йил мобайнида Хоразм вилоятининг барча туман ва шаҳарларида танлама кузатиш асосида жами 300 та кичик бизнес субъектларининг иш берувчилари (респондентлар) ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари келтирилган бўлиб, унга кўра, сўровномада иштирок этаётган кичик бизнес субъектларининг қарийб 65%и ўз амалиётларида у ёки бу даражада ностандарт бандлик шаклларида самарали фойдаланиб келаётганлигини қайд этишган. Ностандарт бандлик шаклларида фойдаланишни қайд этган респондентлар ўртасида унинг айнан қайси шакллари кўпроқ тарқалганлигини билиш мақсадида олиб борган тадқиқотларимиз 2-жадвал маълумотларини шакллантириш имконини берди. Жадвал маълумотлари кичик бизнес субъектлари ўртасида ностандарт бандликнинг энг кенг тарқалган шакллари - бу ўриндошлик (45,3%), фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосидаги бандлик (26%), қисқа муддатли меҳнат шартномаси (1 йилгача) асосидаги бандлик (24%), масофавий бандлик (22%) ва тўлиқсиз бандлик (19,3%) шакллари эканлигини кўрсатди. Социологик сўров натижалари расмий статистика орқали ҳисоблаш

имкони бўлмаган ностандарт бандлик шаклларининг ҳам улуши аҳамиятли эканлигини тасдиқлади. Бу ҳолат иш берувчи кичик бизнес субъектлари томонидан ходимларни расман ишга ёллаш билан боғлиқ харажатлар улар учун қимматга тушаётганлигини, ностандарт бандлик шакллари улар учун ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий жиҳатдан қулай эканлигини кўрсатади.

Касаначилар ўртасида ўтказилган сўровномада қатнашган респондентларнинг 56 фоизининг фаолият турини «тўқувчилик ва тикувчилик» ташкил қилган бўлса, 13 фоизи «шахсий томорқа хўжаликларида чорвачилик» билан, 11 фоизи темирга ишлов бериш, 8 фоизи маҳаллий ҳалқ ҳунармандчилиги, 6 фоизи пишириқлар пишириш, 4 фоизи маиший хизмат кўрсатиш, қолган 2 фоизи АКТ хизматлари ва бошқа хизматлар билан шуғулланишларини таъкидлашган. Респондентларнинг 58 фоизини эркак, 42 фоизини эса аёл касаначилар, 91 фоизини ўзбек миллатига мансуб, 9 фоизини рус, татар, корейс ва бошқа миллатга мансуб касаначилар ташкил қилган.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, касаначиларнинг қарийб 88 фоизини ўрта ва ўрта махсус маълумотлилар, 92 фоизини оилали касаначилар, шундан 90 фоизини мураккаб, 10 фоизини оддий оилалилар, 36 фоизини 20 йилдан кўп иш тажрибасига, 58 фоизини 10 йилдан кўп иш тажрибасига эга касаначилар ёки ота-боболаридан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб эканлигини таъкидлашган. Шунингдек, сўровда қатнашган Урганч шаҳри, Хива ва Янгибозор туманларидаги касаначиларнинг кўпчилиги алоҳида касаначи сифатида (16 фоиз), миллий ҳунарманд сифатида (48 фоиз) ёки якка тадбиркор (27 фоиз) сифатида фаолият юритаётганлиги, йирик саноат корхоналари билан касаначиликка асосланган кооперацияда ишлаётганлар эса атиги 9 фоизни ташкил қилиши аниқланган.

Таҳлилларимиз давомида касаначилардан иш берувчи манзилигача бўлган масофа Урганч шаҳрида ўртача 6,3 км.ни, Хива туманида 4,8 км.ни, Янгибозор туманида эса 5,3 км.ни ташкил қилиши, 98 фоиз касаначиларнинг расмий фаолият юритиши, якка ҳолда касаначи, миллий ҳунарманд ёки якка тадбиркор сифатида ишлаётганларнинг қарийб 27 фоизи норасмий равишда фаолият билан ҳеч қандай рўйхатдан ўтмасдан шуғулланаётганликлари аниқланди. Бу эса бугунги кунда хуфёна сектордаги норасмий бандлик кўламини ҳамда қанчадан-қанча даромадлар солиққа тортилишдан четда қолиб кетаётганлигини баҳолашга имкон беради.

Таҳлиллар бўйича юқоридаги анъанавий таҳлил усулларини кенгайтириш ҳамда бу усуллар натижаларини қисман бўлсада қиёсий таққослаш учун кичик бизнес ривожидида ностандарт бандлик имкониятларидан фойдаланишнинг бугунги кундаги устунликлари, афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларнинг SWOT¹² таҳлили ишлаб чиқилган (3-жадвал).

¹² SWOT — стратегик режалаштиришдаги таҳлил усули бўлиб, омил ва ҳодисаларни 4 та гуруҳга ажратишни назарда тутди: Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (заиф томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (таҳдидлар). SWOT акроними илк бор 1963 йилда АҚШнинг Гарвард университетида бизнес сиёсати бўйича анжуманда профессор К.Эндрюс томонидан киритилган.

КБХТ субъектлари томонидан фойдаланилаётган ностандарт бандликнинг таркиби ва уларнинг тарқоқлик даражаси, % да¹³

	Ностандарт бандлик шакллари									
	Ўриндошлик	Фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома асосида	Норасмий бандлик	Қисқа муддатли меҳнат шартномаси (1 йилгача)	Масофавий бандлик	Касаначилик	Тўлиқсиз бандлик	Тўлиқсиз юклама	Меъёрдан ортиқча бандлик (хафтасига 40 соатдан ортиқ)	бошқалар
Ностандарт бандлик шакллари тарқоқлик даражаси (фойдаланишни қайд этган респондентларнинг улуши, %)	45,3	26,0	8,7	24,0	22,0	9,2	19,3	7,3	14,7	9,3
Ходимларнинг тоифалари бўйича тегишли ностандарт бандлик шакллари таркиби (ностандарт бандликнинг ушбу турдаги шаклига нисбатан жами 100% деб қабул қилинган)										
Раҳбарлар	11,8	5,4	0	10,3	8,7	0	2,1	19,2	15,0	-
Юқори малакали мутахассислар	27,6	19,6	0	7,7	52,2	0	6,4	15,4	25,0	56,3
Ўрта даражадаги малакали мутахассислар	21,3	19,6	22,2	10,3	30,4	0	29,8	23,1	22,5	37,5
Ахборотларни тайёрлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобини юритувчи ходимлар	10,2	7,1	11,1	2,6	8,7	0	14,9	3,8	2,5	-
Хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хўжалиги, савдо-сотик фаолияти соҳасидаги малакали ходимлар	8,7	8,9	5,6	12,8	0	0	14,9	11,5	15,0	6,3
Малакали ишчилар	10,2	14,3	11,5	23,1	0	33,3	8,5	15,4	10,0	0,0
Малакасиз ишчилар	10,2	25,0	50,0	33,3	0	66,7	23,4	11,5	10,0	0,0
Барча тоифалар учун жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

¹³ Социологик сўров натижалари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

**Кичик бизнес ривожда ностандарт бандлик имкониятларидан
фойдаланишнинг SWOT таҳлили¹⁴**

Кучли томонлар	Заиф томонлар
<ul style="list-style-type: none"> - янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш биноларини ижарага олиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни қисқартириш; - жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар меҳнатидан фойдаланиш имконияти; - ходим томонидан иш вақтининг ўз хоҳишига кўра тақсимланиши, яъни иш вақтининг эгилувчан графиги; - иш берувчилар томонидан байрам ва дам олиш кунлари, шунингдек, тунги сменада ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўланмаслиги, ижтимоий пакет учун харажат қилинмаслиги; - ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бандлигини таъминлаш ва шу орқали уларнинг даромадларини ошириш; - касбий маҳоратни ошириш, ижодий фаолликни йўлга қўйиш учун етарлича вақтнинг мавжудлиги; - иш вақтининг самарали ташкил этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш. 	<ul style="list-style-type: none"> - оилавий мажбуриятларнинг ишга доир вазифалар билан бирга олиб бориш; - меҳнат жамоаси ҳамда ҳамкасблар билан ижтимоий алоқаларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги; - ижодий фаоллик, меҳнатга бўлган муносабат ва иштиёқнинг иш берувчи томонидан инобатга олинмаслиги; - қарор қабул қилиш жараёнида тесқари алоқа таъсирчанлигининг пастлиги; - ходимлар устидан тўлақонли назоратнинг мавжуд эмаслиги.
Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> - иккиламчи бандликни амалга ошириш туфайли қўшимча даромадга эга бўлиш; - «Устоз-шогирд» анъаналарини янада ривож топтириш ҳамда уларнинг бардавомлигини таъминлаш имконияти; - иш берувчининг балансида турган, бироқ фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар ва хўжалик инвентарларидан самарали фойдаланиш имконияти; - замонавий АТ ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш натижасида транспорт ва жўғрофий характердаги муаммоларни ҳал қила олиш имконияти; - бозор талабига мос товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича иш берувчилар билан кооперацион алоқаларни йўлга қўйиш имконияти; - иш берувчининг буюртмасини бажаришда ходим томонидан оила аъзоларининг меҳнатидан фойдаланиш имконияти. 	<ul style="list-style-type: none"> - қўл меҳнатига асосланган, юқори малака талаб қилинадиган ишларда иш ҳақи даражасининг нисбатан юқорилиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг ошиши эҳтимоли; - моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишчи кучини сафарбар қилишнинг чекланганлиги; - ностандарт бандлик шакллари билан ҳудуд тармоқ таркибининг кескин боғлиқлиги; - меҳнат унумдорлигининг буюртмалар миқдорига боғланганлиги; - стандарт иш режимида амал қилинмаслиги натижасида ходимлар малака-маҳорати ва кўникмаларининг пасайиб кетиши эҳтимоли.

Диссертацияда юқоридаги SWOT таҳлилининг натижаларини минтақаларда ностандарт бандликка асосланган КБХТни ривожлантиришга мутасадди давлат ва нодавлат органлари фаолиятида қўллаш минтақада кичик бизнеснинг янада ривожланишига муайян даражада замин яратади, деб таъкидланади. Қасаначилик асосидаги КБХТни ривожлантиришнинг энг муҳим ва қулай устувор йўналиши бевосита оилавий тадбиркорлик (ОТ) ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон, хусусан Хоразм вилояти шароитида айнан қасаначилик асосидаги КБХТ оила хўжалигида ривожланмоқда.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, кичик бизнеснинг шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини оширишдаги роли бениҳоя катта бўлиб, мамлакатимиз буюк келажакнинг кафолати сифатида майдонга чиқмоқда.

Шу сабабли, диссертацияда минтақаларда ностандарт бандлик асосида КБХТни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида оилавий тадбиркорлик тараққиётини таъминловчи 3-5 йилга мўлжалланган ўзига хос ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги ва дастурнинг тахминий таркиби таклиф этилган.

Учинчи боб «**Хоразм вилоятида ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари**» деб номланиб, унда минтақада ностандарт бандлик асосида КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари, соҳанинг ностандарт бандлик асосида кооперацион алоқалари самарадорлигини моделлаштириш, минтақаларда ностандарт бандлик асосида кичик бизнесни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари асосланган.

Таҳлилларимизга кўра, йирик ва кичик бизнеснинг ностандарт бандлик асосидаги кооперацион алоқаларини моделлаштириш, *биринчидан*, йирик ва кичик бизнеснинг нафақат касаначилик, балки исталган шаклдаги кооперацион алоқаларининг афзалликларини кўрсатиш ва томонлар учун тенг манфаатли эканлигини асослашга, *иккинчидан*, барча шаклдаги кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқаларининг амал қилиш шартларини, *учинчидан*, кичик ва йирик бизнес кооперацион алоқалари ҳамда синергияси самарадорлиги бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилишга, *тўртинчидан*, макро ва микро даражада иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар кесимида ушбу кооперацион алоқалар истиқболлари бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқишга имкон беради.

Тадқиқотда ностандарт бандликнинг касаначилик шакли асосидаги кичик бизнесни ривожлантириш кўрсаткичлари баҳоланган ва прогноз қилинган. Хоразм вилоятида ностандарт бандликнинг касаначилик шакли ривожланиши, касаначиликдан келадиган фойда ва касаначиликни ташкил этиш эвазига тежалган маблағларнинг (Y) касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) ҳажми (X_1), касаначиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (X_2), меҳнат шартномаси асосида яратилган касаначилик иш ўринлари сони (X_3) билан юқори боғлиқликда эканлиги аниқланган:

$$Y = - 52,39 + 0,16 * X_1 - 0,21 * X_2 + 0,03 * X_3 \quad (4)$$

Таҳлилларимизга кўра, 2021 йилда 2010 йилга нисбатан ностандарт бандликнинг касаначилик шакли эвазига имтиёзлардан фойдаланган ҳолда корхоналардан тежаладиган маблағ 3,2 баробарга ошади. Демак, ностандарт бандлик корхоналарнинг ривожланишини таъминлаш ва бандликни оширишда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини касаначилик асосидаги кичик бизнеснинг ривожланганлик даражаси бўйича табақалашган гуруҳларга ажратилган (4-жадвал).

4-жадвал

2016 йилда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини касаначилик асосидаги КБХТнинг ривожланганлиги бўйича гуруҳлаш¹⁵

Касаначилик асосидаги кичик бизнес ривожланиши натижасида яратилган иш ўринлари бўйича ривожланганлик даражаси индекси (<i>RDII</i>)	Касаначилик асосидаги кичик бизнес ривожланиши натижасида яратилган товар ва хизматлар ҳажми бўйича ривожланганлик даражаси индекси (<i>RDII2</i>)
<i>RDII</i> паст даражада бўлган ҳудудлар: 0-0,5 гача <i>Янгибозор (0,39), Қўшқўпир (0,41)</i> <i>Янгиариқ (0,46),</i>	<i>RDII2</i> паст даражада бўлган ҳудудлар: 0-0,5 гача <i>Янгибозор (0,33),</i> <i>Қўшқўпир (0,49), Янгиариқ (0,49),</i> <i>Гурлан (0,45),</i>
<i>RDII</i> ўрта даражада бўлган ҳудудлар: 0,5-1,0 гача <i>Гурлан (0,51), Богот (0,58), Ҳонқа (0,69),</i> <i>Шовот (0,79) Урганч т. (0,85),</i>	<i>RDII2</i> ўрта даражада бўлган ҳудудлар: 0,5-1,0 гача <i>Богот (0,55),</i> <i>Шовот (0,80), Хазорасп (0,81),</i>
<i>RDII</i> юқори даражада бўлган ҳудудлар: 1,0 ва ундан юқори <i>Хазорасп (1,1), Хива (1,8), Урганч ш. (2,1)</i>	<i>RDII2</i> юқори даражада бўлган ҳудудлар: 1,0 ва ундан юқори <i>Урганч т. (1,02), Ҳонқа (1,13), Хива (1,64),</i> <i>Урганч ш. (1,65)</i>

Гуруҳлаш натижаларига кўра, *RDII* индекси паст даражада бўлган ҳудудларга Янгибозор (0,39), Қўшқўпир (0,41), Янгиариқ (0,46) туманлари, *RDII* ўрта даражада бўлган ҳудудларга Гурлан (0,51), Богот (0,58), Ҳонқа (0,69), Шовот (0,79), Урганч (0,85) туманлари ва *RDII* юқори даражада бўлган ҳудудларга эса Хазорасп (1,1), Хива (1,4) ва Урганч шаҳарлари (2,1) мансуб бўлган. *RDII* ва *RDII2* индекси бўйича энг паст кўрсаткичга эга Янгибозор тумани билан энг юқори кўрсаткичга эга Урганч шаҳри ўртасидаги фарқ мос равишда 5,4 ва 5 мартага тенг. Бу эса истиқболда вилоятнинг касаначилик асосидаги КБХТ оқсаётган ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича мавжуд кескин номутаносибликларни қисқартиришни долзарб вазифа қилиб қўяди. Шунингдек, тадқиқот давомида биз Хоразм вилояти туман ва шаҳарларини КБХТ ривожланганлик даражасини 14 та кўрсаткичи¹⁶ бўйича рангларга ажратдик.

Шунингдек, диссертацияда норасмий бандлар сонининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш мақсадида норасмий секторда бандлар сони ошишининг ЯИМ ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш даражаларига боғлиқлик тенгламаси қараб чиқилади (5-жадвал).

¹⁵ Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

¹⁶ Рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сони, ҳар 1000 кишига тўғри келувчи КБХТ субъектлари сони, иқтисодиётда банд умумий аҳоли сонидан КБХТда бандларнинг умумий улуши, КБХТнинг минтақа ЯҲМдаги улуши, КБХТ субъектларига ажратилган кредитлар миқдори, жорий йилда ташкил этилган КБХТ субъектлари сони, жорий йилда тугатилган КБХТ субъектлари сони, рўйхатга олинган КБХТ субъектлари сонидан фаолият кўрсатаётганларининг улуши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КБХТ улуши, юк ташишда КБХТ субъектларининг улуши, йўловчи ташишда КБХТ субъектлари улуши, қурилиш ишларида КБХТ субъектлари улуши, хизмат соҳасида КБХТнинг улуши, чакана савдода КБХТнинг улуши.

**Тармоқларда норасмий бандларнинг иқтисодийётга таъсири
тенгламалари**

№	Регрессия тенгламаси	t-statistics	p-value	R ²	Эластиклик коэффициенти
1	$GDP=NB^{1.36}$	379	0.000	0.99	1.36
2	$In=NB^{1.18}$	429	0.000	0.99	1.18
3	$Ag=NB^{1.15}$	396	0.000	0.99	1.15
4	$SS=4*10^{-7}*NB^{3.05}$	-3.1	0.021	0.82	3.05
		5.3	0.001		

Бу ерда: *GDP* –реал ЯИМ. *In*- саноат соҳасида ишлаб чиқарилган реал маҳсулот қиймати млрд. сўмда, *Ag*- қишлоқ хўжалигида этиштирилган реал маҳсулот қиймати млрд. сўмда, *SS*-кўрсатилган хизматларнинг реал қиймати млрд. сўмда, *NB*-норасмий бандлар сони минг киши.

Бунинг учун бир омилли ва даражали функциядан фойдаланилади, чунки кўрсаткичлар орасидаги юқори корреляцион боғлиқлик автокорреляция мавжудлигини, шунингдек, t-статистика ва r-қийматлар натижалари норасмий бандларнинг ЯИМ, саноат ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари билан боғлиқлик тенгламасида озод ҳад статистик жиҳатдан талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Шу сабабли бу ерда коэффициент мавжуд эмас, бироқ норасмий бандлар сони билан хизмат кўрсатиш ҳажмлари орасидаги регрессион тенгламада t-статистика ва r-қийматлар озод ҳад статистик жиҳатдан талаб даражасида эканлигини кўрсатмоқда.

Таҳлилларимизга кўра, норасмий бандларнинг 1 фоизга ошиши ЯИМнинг 1.36 фоизга ошишини таъминлайди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида мазкур кўрсаткич мос равишда 1.18 ҳамда 1.15 га тенг эканлиги аниқланди. Норасмий бандлар сони ва кўрсатилган хизматлар ҳажми ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, эластиклик коэффициентининг 3.05 ни ташкил қилаётганлиги норасмий бандлар сони 1 фоизга ошганда хизматлар ҳажми 3.05 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат эса норасмий секторда банд бўлган аҳолининг асосий қисми хизматлар соҳасида банд эканлигидан гувоҳлик бермоқда. Умумий натижалар эса норасмий бандлар сонининг мамлакат ЯИМи ҳамда иқтисодийёт тармоқлари, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар ҳажмининг ўсишига ижобий ва юқори таъсири мавжуд эканлигини тасдиқламоқда.

Тадқиқотларимизга кўра, Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида ўтказилган социологик сўров натижаларидан, шунингдек, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, табиий-географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда КБХТни ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин бўлган ва тавсия этиладиган ностандарт бандлик шакллари ишлаб чиқдик: *USE-тўлиқсиз бандлик*, *PTE-ўриндошлик*, *OE-ортиқча бандлик*, *OST-аутстаффинг*, *OSR-аутсорсинг*, *SS-смартаффинг*, *HE-касаначилиқ*, *SE-мавсумий бандлик*, *PE-вақтинчалиқ бандлик*, *TDE-телебандлик* ёки *масофавий бандлик*, *F-фриланс* (6-жадвал).

Хоразм вилояти ҳудудларида КБХТни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан фойдаланишнинг тавсия этилаётган шакллари¹⁷

Туман ва шаҳарлар	Тавсия қилинаётган ностандарт бандлик шакллари	Тавсия этилаётган устун мавқега эга фаолият турлари
Урганч ш.	UCE, PTE, OE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	IT - хизматлари, Д-дизайнерлик, ЛСХ-лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, БР- бизнес режа ва ТИАларни тайёрлаш, клининг, СМ-сотувлар бўйича менежерлик, ТИХ-тиббий ва ижтимоий хизматлар, М-маркетолог, Ҳ-хуқуқшунос, Р-рекрутерлик, КБМ-кадрлар бўйича маслаҳат, МД-муҳандис-дастурчи, ЭМ-электро-монтажчи, СТ-сантехниклик, ҲСМ-ҳисоб-солиқ маслаҳати, ММ-молиявий менежерлик, ББ-божхона брокерлиги, ҚҚБПИ-қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчилик ва ҳ.к.
Боғот тумани	HE, SE, PE, TDE, F	Б-боғдорчилик ва узумчилик, ШТХ-шахсий томорқа хўжалигида бандлик, ҚХМҚ-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қадоқлаш, сертификатлаш ва экспортга тайёрлаш ишлари, Р, ҚМИ-қурилиш-монтаж ишлари, ҲСМ, саноат корхоналари билан кооперация (СКК).
Гурлан тумани	HE, SE, PE, TDE, F	ҚХМҚ (шоли, буғдой тегирмон хизматлари), ШТХ, ҚХМҚ, Қ-қорамолчилик, ҲСМ, Р, ММ, ва СКК.
Қўшқўпир тумани	HE, SE, PE, TDE, F	ШТХ, П-паррандачилик, Қ, ҚХМҚ, Р, ЭМ, СТ, ҲСМ
Урганч тумани	PTE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	IT - хизматлари, Д, ЛСХ, БР ва ТИА ларни тайёрлаш, клининг, ТИХ, СМ, М, Ҳ, Р, КБМ, МД, ЭМ, СТ, ҲСМ, ММ, ҚМ-қурувчи – муҳандислик ва ҳ.к.
Хазорасп тумани	PTE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	СМ, Л-логистика, ТТСХ-таъминот-тайёрлов-сотиш хизматлари, ЛСХ, БР ва ТИА ларни тайёрлаш, М, Р, ҲСМ ва ҳ.к.
Хонка тумани	PTE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	IT - хизматлари, Д, ЛСХ, БР ва ТИА ларни тайёрлаш, К, СМ, ТИХ, М, Ҳ, Р, КБМ, МД, ЭМ, СТ, ҲСМ, ММ, ББ, ҚМ ва ҳ.к.
Хива шаҳри ва тумани	PTE, EE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	Миллий ва маҳаллий тикувчилик, тўқувчилик, хунармандчилик (кийим-кечакларни бичиш ва тикиш, каштачилик, гилам тўқиш, темирчилик, дурадгорлик, ўймакорлик, қандолатчилик, кулолчилик, терини қайта ишлаш, сандиқ, бешик, ғалвир яшаш), гид-таржимонлик, авиачипта ва меҳмонхоналарни брон қилиш, ҲСМ, ММ, ББ ва бошқа молиявий хизматлар
Шовот тумани	PTE, EE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	Б, ШТХ, ҚХМҚ, Р, ҚМ, ҲСМ, СКК
Янгиариқ тумани	PTE, EE, OST, OSR, SS, HE, SE, PE, TDE, F	Б, П, Қ, ШТХ, ҚХМҚ, Р, ҚМ, ҲСМ ва ҳ.к.
Янгибозор тумани	HE, SE, PE, TDE, F	Б, ШТХ, ҚХМҚ, Р, ҚМ, ҲСМ ва ҳ.к.

¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган.

Диссертацияда республикамиз минтақаларида кичик бизнесда ностандарт бандлар, хусусан, касаначилар меҳнатининг сифати ва улар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг касаначилар меҳнатининг сифат коэффиценти ($C_{мс}$), касаначилар меҳнатидан фойдаланишда қўшимча имкониятларни ишга солиш коэффиценти (корхонанинг асосий фаолият тури доирасида) ($C_{ки}$), шунингдек, кичик бизнесда касаначилар меҳнатининг ижтимоийлик ($C_{ми}$), касаначилар меҳнатининг механизациялашганлик ($C_{мм}$), касаначилар меҳнатининг автоматлашганлик ($C_{ма}$), касаначилар иш ҳақининг меҳнат унумдорлигини рағбатлантиришдаги иштирокини ифодаловчи ($C_{мур}$), касаначилик иш ҳақи билан энг кам иш ҳақи ўртасидаги мутаносиблик (ёки номутаносиблик)ни ифодаловчи ($C_{м(н)}$), касаначилар меҳнатининг рентабеллик ($C_{кмп}$), касаначилик иш ўринларининг кам харажатлар билан таъминланиш ($C_{кхт}$), касаначилик иш ўрни яратишдаги маржинал харажатлар ($C_{мх}$), касаначиларнинг қўнимсизлик ($C_{к}$), касаначиликка жалб қилишнинг мавсумийлик ($C_{м}$) коэффицентлари каби кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилиб, ягона интеграл кўрсаткичга бирлаштирилди.

Биз юқоридаги барча кўрсаткичлар коэффицентларда ифодалангани боис, уларни қўшамиз ва ушбу кўрсаткични аниқлашнинг оддий усулидан, яъни аддитив моделидан¹⁸ фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$C_{кк} = \sum_{i=1}^n C_i \quad (i = 1, 2, 3 \dots n) \quad (5)$$

Бунда: $C_{кк}$ – корхонада ностандарт бандлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва бандликнинг ушбу шаклини ривожлантириши ҳолатини баҳоловчи ягона интеграл кўрсаткич миқдори; C_i – корхонада ностандарт бандлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва ностандарт бандликни ривожлантириши ҳолатини ифодаловчи i -кўрсаткичнинг миқдори; i – кўрсаткичлар сони; n – кўрсаткичларнинг умумий миқдори.

Ушбу формулага юқорида келтирилган кўрсаткичлар маълумотларини қўллайдиган бўлсак, қуйидаги амалий аҳамиятга эга бўлган формулага эга бўламиз:

$$C_{кк} = C_{мс} + C_{ки} + C_{ми} + C_{мм} + C_{ма} + C_{мур} + C_{м} + C_{кмп} + 1/C_{кхт} + 1/C_{мх} + 1/C_{к} + C_{м} \quad (6)^{19}$$

Демак, корхонада ностандарт бандликни ривожланиш ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган мазкур кўрсаткичлар на бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларида акс эттирилади, на улар бўйича статистик ҳисоб олиб борилади, шунингдек, ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳисобот ҳам берилмайди. Бу эса корхоналарда ностандарт бандлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва ностандарт бандлик ривожланиш ҳолатини баҳолашнинг ўта мураккаблигидан далолат беради. Шу туфайли республикамиз минтақаларида ностандарт бандлик ёки унинг касаначилик шаклини ривожланиш ҳолатини бевосита кўрсаткичлардан кўра билвосита кўрсаткичлар билан баҳолаш кўпроқ қўлланилади.

¹⁸Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Самарқанд: Зарафшон, 2000. – 189-191 б. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. – 66 б.

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда Хоразм вилояти саноат корхоналарида касаначилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва касаначиликнинг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар асосида танлаб олинган 5 та корхонанинг («Урганч шароб» АЖ, «Урганч-ёғ» АЖ, «Хоразмавтотеххизмат» АЖ, «Феруз Хоразм» МЧЖ, «Хоразм гиламлари» МЧЖ) ягона интеграл кўрсаткич бўйича рейтинги аниқланди. Унга кўра, Хоразм вилояти саноат корхоналарида касаначилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда касаначиликнинг ривожланиш ҳолатини ифодаловчи ягона интеграл кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: «Урганч шароб» АЖ (3,98), «Урганч-ёғ» АЖ (3,84), «Хоразмавтотеххизмат» АЖ (4,42), «Феруз Хоразм» МЧЖ (4,01), «Хоразм гиламлари» МЧЖ (4,44). Шунингдек, «Хоразм гиламлари» МЧЖ 1-ўринни, «Хоразмавтотеххизмат» АЖ, 2-ўринни, «Феруз Хоразм» МЧЖ 3-ўринни, «Урганч шароб» АЖ 4-ўринни, «Урганч-ёғ» АЖ эса 5-ўринни эгаллади.

Демак, юқоридаги ностандарт бандликнинг фаоллиги рейтингини аниқлаш кўрсаткичларини исталган бир минтақа ёки иқтисодиёт тармоғи корхоналарида қўллаш, фаолиятнинг ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш асосида соҳа ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, стратегик қарорлар қабул қилишда жуда муҳим услубий манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ХУЛОСА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандликнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Бандликнинг касаначилик шакли – эгилувчан иш графиги асосида иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномасига мувофиқ маҳсулот (товар) ишлаб чиқариш (ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ бўлган меҳнат функцияларини ўзига мақбул бўлган жойлар (яшаш жойи, иш жойи ва ҳ.к.)да бажаришга асосланган меҳнатни ташкил этишнинг ностандарт шакли.

2. Республикамиз минтақаларида ривожланган чет давлатларда кичик бизнес ва ностандарт бандлик ўзаро самарали ҳамкорлигининг янги шакллари билан бўлган аутсорсинг, субконтрактинг, аутстаффинг, телебандлик, франчайзинг, кўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларидан фойдаланиш минтақадаги мавжуд ортиқча меҳнат ресурслари ва фойдаланилмаётган моддий-техника таъминотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, даромадларни касаначиларнинг меҳнат фаолиятига кўра қайта тақсимлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва унинг харажатларини пасайтиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

3. Диссертацияда Хоразм вилояти ҳудудлари КБХТ ривожланганлик даражаси бўйича табақалашган гуруҳларга ажратилди ва ранжирланди. Ишда тақлиф этилган Хоразм вилояти саноат корхоналарида касаначилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда корхонада касаначиликни ривожлантириш ҳолатини баҳолашнинг ягона интеграл кўрсаткичи истиқболда касаначилик оқсаётган корхоналарда соҳа истиқболини мақсадли

кўрсаткичлар асосида баҳолаш орқали ривожлантиришга имкон беради.

4. Олиб борилган тадқиқот натижалари вилоятда фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектларида ностандарт бандлик шаклларида банд бўлган ходимларнинг таркибида юқори малакали мутахассисларнинг улуши ҳанузгача юқори эмаслигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат минтақа ҳудудларида юқори малакали мутахассисларни талаб қиладиган иш ўринлари даражасининг пастлиги ёки уларнинг асосий қисми стандарт иш режимида бандлигидан, ишчи кучининг «ҳақиқий баҳоси» кичик бизнес субъектларининг имкониятларига тўғри келмаслиги ёхуд унинг норасмий секторда яширин тарзда ривожланаётганлигидан гувоҳлик бермоқда.

5. Ностандарт бандликнинг касаначилик шакли асосида кичик бизнес ривожини рағбатлантириш мақсадида касаначилик иш ўринлари яратган кичик саноат корхоналарига белгиланган имтиёزلарни бошқа тармоқ кичик бизнес субъектларига ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. КБХТни ривожлантиришда касаначилик меҳнатини кенг миқёсда ташкил қилиш ва ривожлантириш, ностандарт иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини янада ошириш, касаначилик меҳнатининг ижобий сифат ва хусусиятларини кенг омма орасида тарғиб қилиш орқали унинг мавқеини мустаҳкамлаш, янги касаначилик иш ўринлари ташкил қилишни қўллаб-қувватловчи инфратузилмани шакллантириш, ҳудудлараро номутаносибликка барҳам бериш мақсадида ҳар бир шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш марказларида жўғрофий тавсифдаги муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи «Масофавий бандлик марказлари» ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони 5-бандида назарда тутилган яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, Фармонда кўзда тутилган тегишли шартлар асосида бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқини бериш билан бирга, ўтган ҳисобот йилидаги товар (иш, хизматлар) айланмасининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда уч нафаргача ишчини ёллаш мажбуриятини ҳам юклаш лозим. Мазкур ҳолат бир тарафдан бюджетга солиқ тушумлари ҳажмини оширишга, иккинчи томондан ёлланма ишчиларнинг ижтимоий таъминотини яхшилашга ҳамда мазкур соҳада норасмий секторнинг улушини қисқартиришга имкон беради.

8. Меҳнат қонунчилиги ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига меҳнат бозоридаги тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган ва кўшимча даромад манбаига эҳтиёжманд бўлган фуқаролар учун мавсумий характерга эга бўлмаган ностандарт иш ўринлари яратишда қуйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқилган янги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ (*бюджет ташиқлотлари ва нодавлат нотижорат ташиқлотлари бундан мустасно*): ходимларнинг ўртача йиллик сони 20-50 кишигача бўлган хўжалик юритувчи субъектларда улар сонининг камида 3 фоизи, 50-100 кишигача бўлган

субъектларда улар сонининг камида 5 фоизи, ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан зиёд бўлган субъектларда улар сонининг камида 10 фоизи миқдорида махсус квоталанган иш ўринлари учун ажратиш.

Бунда асосий эътиборни мазкур хўжалик юритувчи субъектларда юқоридаги тартибда яратиладиган иш ўринларининг нормативдан ортиқча яратилган қисми учун қилинган барча харажатлари миқдорини, шунингдек, мазкур иш ўринларида банд бўладиган кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлари миқдорини ягона солиқ тўловининг солиқ солинадиган базасидан кўпи билан 10 фоизгача бўлган миқдорини чегириб ташлаш ҳуқуқини назарда тутувчи солиқларнинг рағбатлантирувчи ролига қаратиш, субъектлар томонидан махсус квоталанган иш ўринларининг нормативдан ортиқча яратилган ҳар 1 фоизи учун амалдаги солиқ ставкасини шунча фоизга, бироқ 50 фоиздан ошмаган миқдорда камайтириш лозим. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларни ностандарт бандликни таъминлаш борасидаги фаолиятини янада рағбатлантиради.

9. Паст рентабелли ва юқори меҳнат сиғимига эга саноат ишлаб чиқариш тармоқларида ностандарт иш ўринларида банд бўлган ходимлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (*ярим тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва деталлар*)га нисбатан кўшилган қиймат солиғининг «ноль» даражали ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу имтиёзнинг амалиётга жорий қилиниши, бир томондан, корхоналарнинг ностандарт иш ўринларини яратишдан манфаатдорлигини оширса, иккинчи томондан, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, кўп болали аёллар ва уй шароитида кўшимча даромадга эга бўлишни хоҳловчи бошқа фуқароларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда бандлигини таъминлайди. Бунда юқори меҳнат сиғимини аниқлашда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги харажатларнинг улуши 50 фоиз ва ундан катта эканлигига эътибор қаратилади.

10. Норасмий секторда фаолият олиб бораётган ностандарт банд бўлган аҳолининг расмий сектордаги бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли Қарори билан тасдиқланган юридик шахсни ташкил этмасдан хусусий (якка тартибдаги) тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турларининг ичидаги баъзи (*фаолияти доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган, асосан эгилувчан иш графиги асосида фаолият олиб бориладиган*) фаолият турлари бўйича катъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорини муайян даражада камайтириш, шунингдек, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари миқдорини ўзларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, бироқ йилига энг кам иш ҳақининг 4,5 баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўланишини таъминлашни назарда тутувчи нормани амалиётга жорий этиш лозим. Бунда, бир томондан, аҳолининг расмий сектордаги бандлиги ошса, иккинчи томондан, улар келгусида кафолатли пенсия таъминотига эга бўладилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ФАЙЗУЛЛАЕВ НУРУЛЛА БАХРОМОВИЧ

**ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ
НЕСТАНДАРТНОЙ ЗАНЯТОСТИ В РАЗВИТИИ МАЛОГО
БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**08.00.15 – Экономика предпринимательства и малого бизнеса
(экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2017.2.PhD/Iqt240.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.bfa.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Салаев Санъатбек Комилович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гуломов Саидахор Саидахмедович**
доктор экономических наук, профессор

Махкамова Мамлакат Абдукодировна
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный экономический университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.16.01. при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско - финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(протокол реестра ___ от «___» _____ 2018 года).

А.Ш.Бекмуродов
Председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.э.н., профессор

У.В.Гафуров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.э.н., доцент

Н.М.Махмудов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях протекающих процессов глобализации в мире в таких развитых странах, как Соединенные Штаты, Россия, Франция, Германия, Сингапур, Южная Корея, Швеция, Австрия, Дания, в целях развития малого бизнеса, повышения занятости и уровня жизни населения широко и эффективно используются возможности нестандартной занятости, в том числе «занятость вне офиса» (*flexi-place*), занятость или надомная работа (*homeworking*), используя при этом информационно-коммуникационные технологии вдалеке от основного места работы, дистанционная или телезанятость на весь рабочий день (*teleworking/telecom munité*)¹. Согласно отчётам Международной организации труда (МОТ), доля нестандартно занятых в малом бизнесе составляют: в Норвегии – 5%, Польше, Испании, Португалии, Кипре, Нидерландах – до 24%, а в таких странах Азии, как Филиппины – 24%, Вьетнам – 67%. Кроме того, за 2000-2016 годы количество нестандартно занятых в Ирландии увеличилось в 3 раза, в Мальте и Словакии - в два раза².

В условиях глобализационных процессов, происходящих в мировой экономике, основные тенденции объективного использования эффективных форм нестандартной занятости, как совместное кооперационное производство субъектами малого бизнеса продукции, которая для крупных предприятий считается экономически неэффективным, обеспечение сохранения квалифицированной рабочей силы в малых предприятиях в условиях периодических экономических колебаний, повышение экономической эффективности субъектов малого бизнеса путём экономии затрат, связанных с производственным процессом, укрепление их финансовой стабильности, стимулирование инициативности малого бизнеса в обеспечении работой части населения, которая нуждается в социальной защите и не в состоянии конкурировать на равных условиях на рынке труда, выходят на арену в качестве направлений научного исследования.

На нынешнем этапе интенсивных социально-экономических реформ в Узбекистане особое внимание уделяется развитию малого бизнеса и частного предпринимательства. Важное значение в этой области также имеет дальнейшее развитие сектора с использованием возможностей нестандартной занятости. Был принят ряд законов, указов и постановлений Президента, направленных на совершенствование нормативно-правовой базы. «За годы независимости в Узбекистане определены конкретные меры для всесторонней поддержки и развития малого бизнеса и частного предпринимательства,

¹ Цыганкова И.В., Базжина В.А., Никишина О.Ю. Развитие нестандартных форм занятости в современной России // Российское предпринимательство. – 2014. – Том 15. – № 24. – С. 71-86.; Лютов Н.Л. Новейшее законодательство Европейского союза и проблемы легализации применения заемного труда в России // Труд за рубежом. - 2014. - No 3. – С. 85-101; <http://www.Aus-innovativ.de/media/Arbeitszeikonten.pdf>; <https://books.google.co.uz/books>; М.С.Ким, С.Р.Ким. Корейское общество и проблема нестандартной занятости после кризиса 1997 г.; Яковлева А.В. Пособия по безработице при нестандартной занятости (современный опыт Дании) Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент» № 4, 2014.

² <https://www.kommersant.ru/doc/3145432>

обеспечение занятости и улучшения благосостояния населения»³. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы также поставлены важные задачи по увеличению доли малого бизнеса и частного предпринимательства в структуре национальной экономики, продолжение институциональных и структурных реформ для стимулирования его развития, создания новых рабочих мест и обеспечения занятости населения⁴. Выполнение данных задач требует эффективного использования возможностей нестандартной занятости в развитии малого бизнеса и частного предпринимательства.

Кроме того, данное диссертационное исследование в определённой степени послужит решению задач, предложенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5308 «О Государственной программе «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»» от 28 января 2018 года, №УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду» от 24 мая 2017 года, в Постановлении №ПП-2996 «О мерах по созданию дополнительных благоприятных условий для дальнейшего развития надомного труда» от 24 мая 2017 года, а также других нормативно-правовых актов, касательно данной сферы.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В экономической литературе республики, СНГ и других зарубежных стран широкое место занимают работы, посвящённые организационно-правовым, теоретико-методологическим и практическим аспектам нестандартной занятости, в том числе надомному труду, развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, семейного бизнеса. В частности, в научных работах таких зарубежных учёных и стран СНГ, как Ж.В.Салафф, А.Бусыгин, Н.Шеденова, Л.Ортабаева, Е.Кулагина, Т.Назарова, И.Золин, С.Азатян, Г.Костюнина, В.Гимпельсон, Р.Капелюшников и другие исследованы теоретические проблемы нестандартной занятости, надомного труда, малого бизнеса и частного предпринимательства.⁵

³ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажгимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017, 159-160-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони// www.lex.uz.

⁵ Janet W.Salaff, Where Home is the Office: The New Form of Flexible Work. Toronto, 1998.; Бусыгин А.В. Предпринимательство. - М.: ФиС, 1997. – 537 с.; Ортабаева Л.М. Необходимость и перспективы развития надомного предпринимательства и самозанятости.: Автореф. дис...канд. экон. наук. - Ростов-на-Дону, 1998. – С.21.; Назарова Т.Ю. Семейное предпринимательство в Российской Федерации: направления развития.: Автореф. дис ...канд. экон. наук. – Тамбов, 2008. – С.24.; Кулагина Е.В. Адаптация семей с детьми-

А также, в научных трудах отечественных ученых С.Гуломова, Ф.Эгамбердиева, Ё.Абдуллаева, Б.Ходиева, Б.Беркинова, М.Касимовой, Т.Дустжанова, У.Гафурова, К.Муфтайдинова, М.Махкамовой, С.Салаева и других широко освещены общетеоретические и методические, региональные и отраслевые проблемы малого бизнеса и частного предпринимательства в условиях переходного периода в стране⁶.

В Узбекистане непосредственно проблемы роли нестандартной занятости на рынке труда, трудовых отношениях, в повышении благосостояния и занятости населения, в частности, надомного труда, семейного бизнеса, малого бизнеса и частного предпринимательства были исследованы учёными К.Абдурахмоновым, Р.Убайдуллаевой, М.Пардаевым, А.Абдуганиевым, Л.Максаковой, Ф.Мамарасуловым, Д.Рахимовой, Д.Ортиковой, Б.Умурзаковым, З.Худайбердиевым, Ш.Холмуминовым, М.Умаровой⁷.

Следует отметить, что на сегодняшний день большинство исследований в нашей стране посвящены общетеоретическим, отраслевым, региональным проблемам развития малого бизнеса и частного предпринимательства, но не

